

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ
ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

ИПАКЧИЛИК ВА ТУТЧИЛИК ФАКУЛТЕТИ

УМУМИЙ ЗООТЕХНИЯ КАФЕДРАСИ

Бакалавриат 5410600-зоотехния (тармоқлар бўйича) йўналиши

Битирув малакавий иши
кафедрада муҳокама қилинди ва
ҳимояга тавсия этилди
Кафедра мудири,
доцент _____ Соатов Ў.
« ____ » _____ 2019 й.

Ҳимояга рухсат берилди
Ипакчилик ва тутчилик факултети
декани, доцент
_____ Н.О.Ражабов
« ____ » _____ 2019 й.

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**Мавзу: “Қорақўлчилик наслчилик хўжаликларида қорақўл қўйларини
маҳсулдорлигини зоотехникавий таснифи”**

Битирувчи:

4-91 гуруҳ талабаси

Ж.Ақромов

Илмий раҳбари:

Умумий зоотехния кафедрасининг
Доценти

Н.Т.Шоймуродов

Такризчи: Ипакчилик кафедраси

Доценти

С.Собиров

Тошкент – 2019

Мундарижа

Кириш.....	3
II.Адабиётлар шархи.....	7
III.Шахсий қисм.....	15
3.1. Жўра Эргашев хусусий фермер хўжалигини, ташкил бўлиши ва иқтисодий кўрсаткичлари.....	15
IV.Жўра Эргашев фермер хўжалигида меҳнатни муҳофаза қилиш.....	24
V.Хусусий қисм.....	27
5.1. Тадқиқот манбаи, мақсади, вазифалари ва олиб бориш усуллари...27	
5.2. Тадқиқот натижалари ва унинг таърифи	30
5.2.1.Хўжаликдаги қорақўл қўйларни сони, жинси, конституцияси, пода таркиби ва синфий даражаси.....	30
5.2.2. Қорақўл қўйларини жусса тузилиши ва тирик вазн динамикаси ва гўшт маҳсулдорлиги.....	33
5.2.3. Жўра Эргашев хусусий фермер хўжалигидаги қорақўл қўйларини жун маҳсулдорлиги.....	42
5.2.4.Қўйларни пуштдорлиги ва сут маҳсулдорлиги.....	44
5.2.5. Жўра Эргашев хусусий фермер хўжалигидаги қорақўл қўйларини урчитилишини иқтисодий самарадорлиги.....	46
VI.Хулоса.....	47
VII.Тавсия.....	49
VIII.Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	50

Кириш.

Ўзбекистон халқ хўжалигини асосий тармоқларидан бири қорақўл кўйчилиги бўлиб аҳолини озиқ-овқат саноатни хомашё билан таъминлашда маҳим ўрин эгаллайди. Республикани умумий даромади фоизини ошириб бевосита унинг тилла фондини ташкил этади. Бу тармоқ аҳолини сифатли озиқ-овқат, гўшт, сут, тухум, ёғ, саноатни эса хомашёга (тери, жун, пўстин, пат) билан талабини қондирмоқда. Шунинг учун ҳам фермер хўжаликларни барқарор ривожлантириш борасида Республика Президентининг махсус Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария кўмитасининг фаолиятни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида (2017 й. ПҚ 3026), Чорвачиликда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида (2017 й. ПҚ-2841), Ўзбекистон Республикаси давлат ветеринария кўмитаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида (2017 й. ВМҚ-624), Қорақўлчилик соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида (2018 й. ПҚ3603) қабул қилинган. Хизмати беқиёсдир, шу сабабли тармоқни ривожлантириш махсулот ишлаб чиқаришини ошириш ва сифатини яхшилаш долзарб муаммолардан бири бўлиб ҳисобланади.

Бинобарин бунда Республикада иқтисодий ислохотлар амалиётга тадбиқ этишда, турли фермер хўжаликларини қат кўтариши ва шундан республика маъмурият томонидан қабул қилинган ва қилинаётган қарор, фармон ва буйруқларни чиқариш жоиздир. Чунки қабул қилинган тадбирларни ҳаётга тадбиқ этилиши мулкдор синфини шакллантириб ва юзага келтириб чорвачиликда мулк эгасини топди ва долзарб муаммоларни бирин-кетин йўқолишига асос бўлди. Қорақўлчилик Республикани чўл ва ярим чўл ҳудудларида кенг тараққий этган тармоқ бўлиб унинг яйловларидан унумли фойдаланиш ва сифатли махсулот етказиш ва ҳудуд аҳолисини ижтимоий ва иқтисодий ҳаётини ҳал этишда бошқа қишлоқ хўжалиги ҳайвонларидан фарқ этади ва муҳим рол ўйнайди.

Қорақўл кўйларини махсулотлари хилма-хиллиги, қайтарилмаслиги билан ажралиб туради ва жуда қадим замонлардан буён инсон томонидан

ишлатиб келган. Қўйларни жуни аҳолини қимматбаҳо гилам, шялга, кийгиз, пийма ҳамда турли газмолларга ва улардан тайёрланган буюмларга бўлган талабини кондиради. Кўрсатиб ўтилган буюмлари билан бир каторда қўйлардан сифатли озиқ-овқат гўшт ва ёғ олинади ва ҳар хил миллий овқатлар тайёрлашда ишлатилади.

Қайд этган авфзалликларидан келиб чиқиб такидлаймизки кун сайин ўсиб бораётган Республика аҳолини сифатли маҳсулотларига бўлган талаби тобора ортиб бормоқда. Шу туфайли бу ҳудудларла урчитилаётган қорақўл қўйларини мавжуд потенциални ишга солиш, билан биргаликда фан ютуқларини, илғор тажрибани ва янги технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиб боршни тақозо этади.

Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида маҳаллий шароитга яхши мослашган ва фойдали хўжалик ҳамда биологик хусусияталарига эга бўлган қорақўл қўйлари урчитиб келинмоқда. Бу қўй зоти кўп қамровли маҳсулоти етиштириб беради. Бу қўйчиликни ривожлантиришда илғор тажриба ва фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этилиши юзасидан қорақўлчилик соҳасини олдига улкан вазифаларни қўйилиши соҳани самарасини оширади.

Бу зарурий ишларни амалиётга тадбиқ этиш учун Ўзбекистонда деярли даражадаи имкониятлар мавжуд ва бугунги кунда ўлкамизни барча ҳудудларида 4,5 миллион бошдан кўп қорақўл қўйлар урчитилмоқда. Бу ишларни олиб борилишида қорақўлчилик муҳим ўрин тутди. Лекин қорақўлчиликда асосий эътибор тери (барра тери) маҳсулотига берилиб бошқа кўрсаткичлари бўйича ишлар суёт олиб борилган.

Республикада қўй маҳсулотларини етиштирилишининг тахлили кўрсатдики бунда қорақўлчиликнинг ўрни юқори чунки гўшт суёт, жун маҳсулотларни манбаси бўлиб ҳисобланади. Қорақўл қўйларини нафақат тери маҳсулотини балким бошқа маҳсулотларини инобатга олиб соҳани ривожлантиришини тақозо этади. Республикада келажакда ишларни жадаллаштирилишини талаб этади ва оширилган ишлар ўз самарасини беради ва соҳани рентабеллигини тобора оширилади.

Республикамиз мустақилликка эришган дастлабки кунларидан бошлаб соҳани ривожланишига катта аҳамият берилмоқда. Бу хайрли ишларни олиб бориш Республикада иқтисодий ислохотларни жорий этиш, бозор муносабатларига ўтиш, соҳани ривож бўйича селекция ютуқларига ва наслчилик ишларни тўғри олиб бориш ва шунингдек янги тоифадаги хўжалик юритилиши ташкил этишда ва чорвачиликни шахсий мулкчиликни хис этиб хизмат қилишдан чққол намоён бўлади.

Республика Президенти И.А.Каримов (2009) республикада қишлоқ хўжалигини ва шахсан қорақўлчилик тармоғини ривожланитиришга катта эътибор берилгани ва шу асосида ундан олинадиган маҳсулотларини жаҳон андоза талабларига мос тарзда қайта ишлашни ташкил этиш, илғор тажриба ва технологияларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш, соҳадаги ишлаётган ва таълим муассасалари талабаларини малакасини ошириш йўллари билан кенг қўламли модернизация ва такмомиллаштириш ишларини амалга ошириш борасида кўмаклашмоқда.

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни ривожланитиришда якка тартибдаги ишлаб чиқарувчилар салоҳиятини кучайтириш қолаверса уларни ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳимоя қилиш. Қолаверса шуни таъкидлаш зарурки сўнги йилларда (2008) деҳқон ва фермер хўжаликларини самарали фаолият олиб боришларини йўлга солишга амамалий ёрдам беришва истеъмол бозорини қишлоқ хўжалик жумладан қорақўл қўйларини маҳсулотлари билан тўлдириш ва улгуржи савдо тизимини янада ривожлантириб мамлакатимизда импорти ўрнини босувчи маҳсулотлар ҳажминини юксалтириш ва экспортни маҳсулот ишлаб чиқарувчи субъектларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, уларни ривожланишини асосий йўллари ва сифатига эътироф этиш.

И.А.Каримов (2009) таъкидлаганидек ҳозирда жаҳон молиявий иқтисодий инқирози шароитида жаҳон глобаллашуви ва интеграцияси тобора кучайиб бораётган, республикамизга боғлиқ бўлмаган сабабларга биноан кўплаб турдаги экспорт маҳсулотларга бўлган талаб ва нархлар пасайган бир

пайтда мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларга бўлган ички талаб чиқариладиган маҳсулотларга бўлган ички талаб ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмаларни уй-жой қурилиши, хизмат кўрсатадиган соҳани янада юксак поғоналарга кўтариш қишлоқ хўжалик ва шунингдек қоракўлчиликни ривожлантириш дастурини амалга ошириш, маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш корхоналари ўртасида кооперациялашув асосида товар етказиб беришни кенгайтириш.

Бу ишлар эвазига Республикада урчитилаётган қўй ва эчки сони 19 млн дан ошди, бугунги кунда ҳар бошига 2-2,5 кг жун қирқилмоқда. Қўй бошига ишлаб чиқариладиган гўшт маҳсулотлари тобора ошиб бормоқда.

Бу ишларни ҳаётга тадбиқ этишда думбали гўшт-ёғдор ва гўшт-жундор қўйларни ўрни бекиёсдир. Гўшт-жундор қўйларни сони бугунги кунда 200-250 минг бошни ташкил этмоқда ва республикаимиз тоғ, тоғ олди ҳудудларида урчиитилиб унинг аҳолисини турмуш даражасини ҳамда иқтисодиётини ҳал этишда муҳим рол ўйнайди. Бу қўйларни қўчқорларини тирик вазни ўрта ҳисобда 60-70 кг, совлиқларни тирик вазни эса 50-55 кг, янги туғилган қўзиларини вазни 3,5-4 кг, айрим қўзилариники эса 5-6 кг бўлиб ҳисобланади. Бир йилда қўйлардан ўрта ҳисобда 3,5-4 кг кроссберд (аралаш) жун олинади. Гўшт-жундор қўйларни гўштдорлиги ва сўйим чиқими ўрта ҳисобда 50-55 фоизга тенгдир.

Ўзбекистонда қўйчиликни ривожлантириш, ундан олинган маҳсулотларга ишлов бериш каби ишларни олиб борилиши яхши йўлга қўйилган. Бинобарин, Наманган вилаяитида Ўзтекмет жун фабрикаси қурилиб фаолият кўрсатиши, териларга ишлов бериладиган ва буюмлар тайёрлайдиган Ўзбекистон-Покистон, Ўзбекистон-Туркия, Ўзбекистон-Корея каби қўшма корхоналар ишлашга туширилган.

Булар айнан қўйчиликни ривожини ва ундан олинган маҳсулотларга ишлов бериб, буюм тайёрлаб истеъмолчини талабини қондиришда хизмат кўрсатмоқда.

Олиб борилаётган ишлар яхши бўлсада Ўзбекистон худудидаги урчитилаётган Ўзбек гўшт-жундор кўйларидан олинган маҳсулотларини миқдори енгил саноатни ва аҳолини озиқ-овқатга бўлган талабини қондирмайди. Шу боисдан бу кўйчиликда ишларни такомиллаштириб йўналтирилган селекция ишларини жонлантириш долзарб бўлиб ҳисобланади ва улар маҳсулдорлигини ўрганиб чиқишни тақозо этади.

II. Адабиётлар шарҳи

Қорақўл кўй ярим чўл ва чўл шароитида истиқомат қилаётган ва узок йиллар давомида селекция натижасида яратилган кўй бўлиб жуда чидамли, ҳаракатчан. Ўргатилган минтақаси ва ундаги иқлимига кўра мослашиши ва шўр сувга жуда кўниккан, озуқага талабчан ва турли шароитда ўзига озуқа топади ва фаолият кечириб боради. Бундай хусусиятларга биноан, қорақўл кўйи яйловлардан унумли фойдаланади, ҳажмини деярли даражада пасайиб кетишига кўниккан ва қиш мавсумида озиқланиш яхши бўлган даврида танасини қовурғалар орасида, терисининг ва қўйруғининг остига тўпланган ёғ моддасини секин эритиб бориб озуқа моддасига бўлган талабини қондиради. Бу зот ўзининг чидамли ва қайтарилмас барра териси билан жаҳонда ягона зот сифатида танилган ва жуда кўп тараққий этган бўлиб ҳисобланади. Литовченко Г.П. ва Есаулова Л.А. (1972) берган маълумотларига биноан қорақўл кўйи жуда кўп минтақада урчитилмоқда ва турли экстерьер кўрсаткичлари билан ифодаланади. Янги туғилган қўзисини тирик вазни 4-4,5 кг совлиқларини вазни озуқланиш шароитига кўра 45-50 кг; кўчқорлариники эса 60-70 кг бўлади. Адабиёт маълумотига кўра қорақўл зоти энг қадимги зотлардан биридир. Лекин йўналиш бу соҳа барра терисини етиштириш сифатида янги деб ҳисобланади. Дячковин (1972) фикрига кўра қорақўл кўйлари сўнги 30-40 йил ичида сон ва сифат жиҳатдан катта ўзгаришга дуч келиб маҳаллий зотдан маданий зотга айланган ва жуда кенг тарқалган.

А.А.Вениаминов (1997) олиб борган тадқиқот ишларига биноан таъкидлайки қорақўл қўйларини яйловда асраш, сақлаш, озиклантириш ҳамда қочириш, туғдириш, суғориш каби ишлари асосий технологик жараён бўлиб чўл ва ярим чўл яйловларида амалга оширилади.

Бу маълумотларга асосан таъкидлаймизки биронта бажарилаётган иш жараёни ўз-ўзидан алоҳида ўтказилмасдан комплекс равишда олиб борилади ва ҳар бир технологик жараёнига ҳамда маҳсулот ишлаб чиқаришга ўз таъсирини ўтказади.

Қорақўл қўйларини урчитилиши ва маҳсулот бериш айнан бу кўрсаткичлар билан билан белгиладик. Чунончи қорақўл қўй ўзининг келиб чиқиши, яратилиши чўл ва ярим чўл шароитига боғлиқ бўлиб ўзининг чидамлилиги; ҳаракатчанлиги; урчитилиш маҳсулдорлиги (тери) озуқага кам талабчанлиги билан бошқа ҳайвонлардан кескин фарқ этади.

Олимларни фикрига кўра экологик шароитни ўзгариши барча қишлоқ хўжалик ҳайвонларида, жумладан қорақўл қўйларида маҳсулдорлик ва биологик жиҳатдан ўзгаришларга олиб келган.

Бинобарин бу хусусиятни биз И.Н.Дъячниковнинг (1972) тажрибаларидан ҳам кўришимиз мумкин. Олим ижодида таъкидлайдики сўнги 30-40 йил ичида қорақўл қўй ўзини маълум шароитда яшаш учун мажбурлаган ва шунинг учун негизида маданийлашиб қолиб жуда кўп минтақаларида урчитилишга асос солган.

Қорақўл қўйларини биологиясини ва маҳсулдорлигини ўрганган олимларни келтирган маълумотлари кўрсатадики қорақўл қўй келиб чиқиши бир хил бўлсада урчитилиш минтақасига ва тана тузилишида бир биридан фарқланиши билан ҳарактерланади.

Г.Р.Литовченко, П.А.Есаулов (1972) ўз тажрибиларига асосланиб таъкидлайдики қорақўл қўйлари турли экстерьер ва вазн кўрсаткичлари билан ҳарактерланади. Олимларни фикрига кўра янги туғилган қўзиларни тирик вазни 3,5-4 кг бўлиб уларни конституциясига онасини ва отасини

йириклигига, зотдорлигига боғлиқ. Катта ёшдаги совлиқларни вазни ўрта хисобда 40-45 кг, қўчқорларни эса 55-60 кг ташкил этади.

Джапаридзе Т.Г. (1983) маълумотлари кўрсатадики қорақўл қўйларини хисобига кўра МДХ давлатларида 120 минг қўй ва 40 минг тасидан дағал жун ишлаб чиқилади ёки бу умумий дағал жуннинг 80% ни ташкил этади. Қорақўл қўйларидани орасида бўйича кўк, қора, қамбар ва бошқа тулари мавжуд шундан 80% - қўйларни қора ва фақат 20% турли тусдаги қўйлар ташкил этади. Зотнинг ичида барра тери ва жундор конституционал типлари мавжуд ва ишлаб чиқаришда катта аҳамиятга эга.

Қорақўл қўй зоти жуда қийин иқлим шароитида яшаб келган ўзбек аҳоли томонидан яратилиб ўргатилаётганлиги сабабли улар мустахкам конситуция чидамлиги, яхши ривожланиши тез етилиши сутдор ҳамда яйлов шароитига кўникиб бориб семириш хусусиятлари ва узоқ масофаларга юриш ҳамда маҳсулдорлигини сақлаб қолиш белгилари билан ифодаланади.

Қорақўл қўй зоти зоологик табақаланиши бўйича узун ёғли-думли қўйлар гуруҳга киради ва унинг қимматбаҳо хусусиятларидан бири бу яхши шароитда ёғ тўплаб бериши шу сабабли қийин ҳолларда улар ўрнини ҳам тўлғазиб боради. Сокалов И.Ш. (1951) олиб борган тадқиқотларига асосланиб тасдиқланганки қорақўл қўйида думбали гўшт-ёғдор қўйларга ўхшаган хусусият мавжуд ва бунга асосланган ҳолда у ўзини соғлигини ва ҳолатини сақлаб қолиш қобилиятига эгадир. Муаллифни фикрича қорақўл қўйида бу биологик хусусият бўлмаганида у чўлва ярим чўл шароитида ўзгариши лозим эди. Қорақўл қўйларини қуйруғ остида ёғ тўпланиши жуда эътибор берадилар, бу хусусиятига биноан чўпонлар амалиётида шуни қайд этидиларки агарда уларни қуйруғини остида ёғ тўплами бўлса унда яхши қишловни ўтказади.

Қорақўл қўйлари жуда ҳаракатчан ва узоқ масофани босиб ўтишга чидамли. Бу борада Аверьянов И.Я. (1941) қайд этадики қорақўл қўйларни уларни турар жойидан ва қудуқлардан узоқда боқиш мумкин бу масофа 20-30 км ни ташкил этиши қўйга зиён келтирмайди.

Узоқ масофаларга ҳайдаб боқилиши Ризаев Ш.М., Одинцова Е.В. (1958) томонидан кўрсатилиб ўтилган қолаверса яйловлардаги иқлим қоракўл қўйларини турли экологик типларни келиб чиқишига асос солган. Қоракўл зотининг жунни жуда ўзгарувчан ва турлича ва унга турли омиллар таъсири этмоқда ва унинг узунлигини 3 см 20 см бўлади. Годин В.М. (1948) олиб борган тажрибаларга асосан қайд этадики қоракўл қўйидан турли хилда олинган барра терисини ва жунини турли бўлиб сифати бўйича бир текис эмас ва бу кўрсаткичга яйловдаги озукларниш шароити ўзининг таъсирини ўтказди. Бу таъсир қўйларга тирик вазнини семизлигини ва барра терисини ўзгартирган. Қайта ишлаш саноатида қоракўл қўйининг жунни катта аҳамиятга эга. Бойко Д.Ф. ва Фейгин А.И. (1961) берган маълумотларига кўра дағал жун етиштиришда асосий манбаи бўлиб ҳисобланади.

А.И.Улянов, А.В.Рыжов (1990) олиб борган тажрибаларига асосланиб таъкидлаганки қўйлардан маҳсулот ишлаб чиқаришини такомиллаштириш асосий элементлардан бири яйловлардан унумли фойдаланиш, унда қўйларни тўғри асраб ва уларни етарли даражада озук моддаларига бўлган талабини қондириб бориш жуда муҳим такомиллаштириш омилidir.

Келтирилган адабиёт маълумотлари кўрсатадики қоракўл қўйларидан маҳсулот етиштириш ва шунингдек асраш кўп қамровли тадбир бўлиб барча ишлаб чиқариш жараёнлари бир-бири билан узвий боғланган ва уларни тўғри ташкил этилиши бу қўйлардан маҳсулот етиштирилиши кўпайтиришга олиб келади.

П.С.Шкурпотов (1998) олиб борган тажрибасига асосланиб қайд этадики қўйлардан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни жумладан тери, жун, гўшт миқдорини ва сифатини ошириш учун уларга яхши озуклар берилиши ёки уларни яйловларда интенсив усулда боқиш даркор. Олимнинг фикрига кўра бундай усулларни қўллаш натижасида 2000-йилда МДХ давлатларижа 1,1% нормал жун етказилган, 2005-йилда унинг миқдори 4,1% ни ташкил этган 2011-йилга келиб жун ишлаб чиқарилиши икки-уч баробар кўпайган.

Шу боис қоракўл қўйларни боқилиши ва қайд этилган маҳсулотларни ишлаб чиқарилиши жуда муҳим ва турли омиллар билан боғлиқ бўлиб ҳисобланади. Олимларни фикрига кўра яйловда бу қўйларни боқишда қуйидаги усуллардан фойдаланилди: ҳайдаб боқиш, яйловда қайтариб боқиш, ярим яйлов, ярим турар ҳолда, яйловда ва лагерда.

Бу усуллардан фойдаланиш М.Н.Лушихини (1996) фикрига кўра яйловдаги ўсаётган ўсимликларга, уларни ҳосилдорлигига ҳамда йилнинг фаслларига боғлиқ.

Бугунги кунда Ўзбекистон ҳудудида урчитилиб келаётган қоракўл қўйларидан маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этишда уларни яйловда боқишдан кенг фойдаланилади. Лекин сўнги йилларга келиб барча чўл ва ярим чўл ерларини маданийлаштириб борилишида яйловларда қоракўл маҳсулотларини етиштириш такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Қолаверса қоракўл қўйи зотини жун, сукно, драп, намамт ва воленка ишлаб чиқаришда ишлатилади. Қоракўл қўйларидан олинадиган жун ва унинг сифати жуда кўп омилларга боғлиқ бу кўрсаткичлар орасида унинг туси, барра типи ва озуқаланишига алоҳида эътибор берилади. Стояновский В.М. (1966) маълумотларига қараганда кўк тусли қўйлардан қора туслига кўра кўп жун олинади.

Рахимов А.А. (1967) фикрига биноан қўпол конституциясига мансуб қўйлардан бошқа конституция типидagi қўйларга нисбатан 39,5 % кўп жун олинган.

Ризаев Ш.Н. ва Раджабов О (1973) келтирган маълумотларига биноан қўйларнинг жунига уларни ёши ҳам таъсир этади. Тажрибага асосан қўйларни жун миқдори ёшига биноан ошиб борган ундан сўнг эса секин камайиб қолиб ўрта ҳисобда 1-07 кг ташкил этган.

Кошевой М.А. 1960; Ризаев Ш.М , Ризаев И.Ш. 1973; Канценпольский А.С. – 1962; Рахимов А.А.- 1967; Канценпольский А.С.-1969 ва бошқаларни маълумотларига кўра қоракўл қўйининг бир йилдаги жун миқдори 1,8 кг – 3,5 кг бўлади.

М.Ж.Зокиров, С.Ю.Юсуповларнинг (1991) фикрларига кўра қўйларни маҳсулдорлиги уларнинг танасини катта кичиклигига ва терисини сатҳини ўсишига боғлиқ экан.

С.Б.Саттаров, С.Ю.Юсупов., С.Р.Бозоров (1990) турли завод типдаги қоракўл қўйларининг маҳсулдорлигини ўрганиб чиқиб қайд этадики жун маҳсулдорлиги бўйича Нурота завод туманидаги қоракўл қўйлари жун бериш хусусияти юқори бўлган ва 1,612 кг ташкил этган, қизилқум типини жун маҳсулдорлиги муаллифни фикрига кўра 1,573 кг ташкил этган.

Жуннинг миқдори деярли даражада узунлиги ва йўғонлиги билан ифодаланади. Бинобарин С.Б.Бозоров ва бошқалар турли завод типдаги қоракўл қўйларининг жунини узунлигини ўрганиб чиқиб шу фикрларни таъкидлайдики жун узун бўлган заводтипларини қўйларини жун кўлами ҳам юқори бўлган.

Жунларни ўсиши, уларнинг узунлиги, ёғлиги қўйларнинг танасини турли қисмларида бир хил эмас.

Б.А.Козанцев (1956) фикрига кўра ҳайвон танасини қисмларида жун толасининг узунлиги ингичкалиги турлича, олимнинг фикрига биноан елка, бўйин кўкрак қисмидаги жун толалари ингичка ва майин сон ва сағри қисмида эса аксинча йўғон.

Н.П.Ролдучина (1963) таъкидлашича кўк, қора рангли қоракўл қўйларини қилтиқ ва тивит толаларининг диаметри рангдор қўйларга нисбатан ингичка.

С.Ю.Юсупов (1991), С.Р.Бозоровлар (1990) жун толасининг узунлигини турли конституцион типдаги қўзиларда ўрганиб чиқиб таъкидлайдики жун толасини узунлиги қўзиларни конституция типи ва жуннинг ранги билан маълум даражада боғланган.

И.А.Винаградова (1989), С.И.Сухаркова (1987), Д.Раҳимовларнинг (1990) фикрига кўра қоракўл қўйларини тўла қийматли озуқлантириш, парваришlash, танлаш ва жуфтлаш йўл билан серпуштлигини ва шунингдек маҳсулдорлик хусусиятларини ошириш мумкинлиги қайд этилган.

Адабиёт маълумотларига кўра қорақўл қўйларини жун бериш қобилияти ўзгариб туради ва ўрта ҳисобда 1,5-3,5 ташкил этади. Бу қўйларни жунини туси эса асосан икки гуруҳга бўлинади оқ-қўк ва рангдор (қора, қамбар ва ҳ.к) жунининг миқдорига унинг узунлиги ва зичлиги ҳам ижобий таъсир этади.

Қорақўл қўйлари жунининг узунлиги ўрта ҳисобда 3-20 см ташкил этади. Лекин баҳорги ва кузги жунлари узунлиги бўйича бир-биридан фарқ этади. Бу борада баҳорги жун кузги ва поярки жунидан анча устивор. Қорақўл қўйлари яхши ва мазали гўшт кўрсаткичлари билан ҳам фарқланади. Уларни сўйиш чиқими 40-46% семизларини эса бу кўрсаткич 50 фоизни ташкил этади. Джасимов Ф. (1982) 60 кун давомида қорақўл қўйларини бўрдоқига боққан эришган натижасига кўра шуни тасдиқлаганки қўйларни тирик вазни, семизлик даражаси ошган, ҳамда ёши ва жинсига кўра уларни сўйим оғирлиги 48,66-52,96 %ни ташкил этган. Бу фикрларни Амиров А. (1961) ва Абдивоитов Ш (1971) тажрибаларидан ҳам кўриш мумкин. Қўйларни вазнига йилнинг фаслига ҳам таъсир этмоқда. Юдин В.М. маълумотига биноан 18 ойлик ахталанган қўзиларни вазни сентябрда 42,2 кг декабрда эса 44 кг ни ташкил этган. Демак қорақўл қўйлари яхши бўрдоқиланиши хусусиятларига эга ва бу тадбирни тўғри олиб борилиши натижасида улар деярли юқори даражада семириши мумкин эканлигини Амиров А.К. (1981), Джасимов Ф. (1981) Абдивоитов (1971) илмий тадқиқот ишларида қайд этилган. Петров В.А. (1930) фикрига кўра қорақўл қўйларини яна бир яхши хусусияти бу уларни сут бериш қобилиятига эга ва 60 кун соғин давомида ўртача 26,6 кг сут берган, сутнинг ёғдорлиги эса 7-8 фоизни ташкил этган.

Қорақўлчилик хўжаликларини берган маълумотларига кўра 400-420 гр сут соғиб олинган, баъзан хўжаликлардан бу кўрсаткич анча юқори бўлган.. Рахимов.Ш. (1964) берган маълумотига кўра қорақўл қўйнинг бир кунлик сут бериши 35 грамм бўлган қолаверса муаллифнинг фикрига биноан Болгарияда, Венгрия, Грецияда, Руминияда, Италияда, Югославияда қўй

сутидан турли маҳсулотлар тайёрлашда ишлатилади. Рахимов.Ш. (1964) келтирган маълумотларигаасосан такидлайдики қўй сутининг таркибида 8,7% ёғ, 6,2 % оксил ва 20% бошқа тўйимли моддалар мавжуд ва қўй сути жуда қимматбаҳо озук овқатдир. Қоракўлчилик хўжаликларида сут соғими жуда кўп меҳнатни талаб этадиган ва оғир ишлардан бири бўлгани учун бугунги кунда эътибордан қолган ва унут бўлмоқда лекин шуни таъкидлаш керакки ундан фойдаланмаслик хўжаликка жуда катта зиён келтирмоқда.

Қолаверса МДХ давлатларини ҳам ҳисобга олинадиган бўлса Волин Б.Н. ва бошқаларни фикрига кўра биз жуда катта сут ишлаб-чиқариш манбасидан фодаланмаяпмиз. Бу масалани йўлга қўйишга Ўзбекистонда ва МДХ да катта эътибор беришни талаб этади.Қоракўл қўйлари жуда серпушт ва серпуштлиги бу зотнинг хусусияти ҳисобига қабул этилган серпуштлиги унинг генетик хусусиятларидан бири бўлиб турли омилларга боғлиқдир. Адабиёт маълумотларига кўра қўйнинг ёши, семизлиги ҳамда урчитиш шароити ва озукланиш даражаси шу омилларнинг жумласидандир.

Қоракўл қўйларининг серпуштлигини ошириш борасида олиб борилаётган ишлардан бири бу уларни эгизак олиши бўйича селекция ишларини олиб боришидир. Бу ишларни тўғрилиги Дъячков И.Н. ва Мухаммедова Л.Д. (1974) давлат наслчиликл. заводидида олиб борган ишларида яна бир исботланган, серпуштлигини оширишнинг яна бир омили биологик препаратларни ишлатилиши бўлиб ҳисобланмоқда. Лекин бу тадбирни олиб борилиши қўзиларни нимжон, кичкина, барра терисини сифати паст бўлишига олиб келди. Шу сабабли бу стимуляторни ишлатиш Ўзбекистонда ман этилган ва 1984 йилдан буён қўйларни табиий серпуштлигини оширишга жуда катта эътибор берилиб келинмоқда. Шу борада серпушт оиласидан олинган қўчқорлар танланнишига ва наслда қолдирилишига катта эътибор берилмоқда.

Адабиёт маълумотларига кўра шуни таъкидлаймизки қоракўл қўйи чўл ва ярим чўло яйловлари шароитига жуда яхши кўниккан чидамли ва тез кўникиш кўрсаткичлари ва биологик хусусиятларига эгадир. Уларни тўғри

асраш ва боқиш натижасига биноан гўшт ва дағал жун ишлаб чиқариш имкониятини беради. Адабиёт маълумотлардан келиб чиқиб шуни таъкидлаймизки қўйган мақсадга ва ундаги вазифаларга эришиш учун янги имконлар қидириш ва қоракўл қўйларини махсулдорлигини ошириш, наслчилик иши олиб борилишини такомиллаштириб уларни тирик вазни серпуштлигини, етишишини, жундорлигини ҳамда унинг сифатини борасида олиб борилаётган ишлар сифатини ошириш зарур.

III. Шахсий қисм.

3.1. Жўра Эргашев хусусий фермер хўжалигини ташкил бўлиши ва иқтисодий кўрсаткичлари.

Жўра Эргашев хусусий фермер хўжалиги иқтисодиёт кам ривожланган фермер хўжаликлари бирлашиш натижасида ташкил топган. Бу хўжалик Қашқадарё вилоятини Қарши туманида жойлашган. Хўжалигимиз марказидан туман марказигача 8 километр, вилоят марказигача Қарши туманигача эса бу масофа 33 кмга тенг. Хўжалик ерларидан туманлар аро миқёсидаги автомобил йўли ўтади. Хозирги кунда Жўра Эргашев хусусий фермер хўжалигини асосий йўналиши чорва ва ғаллачилик тармоғидир. Шимолда Китоб туман фермер хўжаликлари билан чегарадош, жанубда бу чегара Наврўз фермер хўжалиги орқали ўтади, ғарбда хўжалик Каспи туманини фермер хўжаликлари билан чегарадош.

Фермер хўжалигимиз маҳаллалари ва уларнинг бир-бирига боғланиши тош йўллари орқали амалга оширилмоқда. Фермер хўжалиги маҳаллалар аҳолисини бир-бирига ва марказга бориб келишида автотранспортлардан фойдаланилади. Хўжалик марказида телефон мавжуд. Хўжалигимизда қоракўлчилик ва қишлоқ хўжалик экинлар сабзавотчилик, боғдорчилик ва озиқ экинларини етказиш бўлиб ҳисобланади.

Бугунги кунда хўжалигимиздаги истиқомат қиладиган ва яшайдиган аҳоли сони 2000 кишини ташкил этмоқда. Бу аҳолини республикадаги яшайдиган барча миллатларнинг вакиллари дир. Лекин асосий қисми булар

Ўзбек миллатига мансубдир. Бизнинг хўжалигимиз ишчи кучига эҳтёжи тўлиқ қондирилган, қолаверса механизация воситалари ҳам етарли.

Давлат тилида ўқитиладиган 2 та ўрта маълумот берувчи мактаб, мактабни тугутган ўқувчилар ўз ўқишини туман ва вилоят марказидаги коллеж, лицейларида давом эттиради. Хўжалигимиз маркази аҳолига хизмат кўрсатиш учун битта амбулатория, кутубхона ва дорихона мавжуддир. Амбулаторияси хўжалигимизни аҳолисига хизмат қилади. Бизни хўжалигимизда касалланган кишиларни даволаш имконияти бўлмаса унда беморлар туман ва вилоят Қарши шаҳри касалхонасига юборилади, у ерда ташхисни аниқлаб даволайдилар.

Хозирги кунда бизнинг фермер хўжалигимизда 600 гектар ер майдони 53 гектари аҳоли томорқаси, қолган ерларда хўжалик пахта, ғалла ва ҳар хил ўсимликлар экиш ҳамда чорва молларини боқиш учун яйлов шаклида фойдаланилади. Бизнинг хўжалигимиз ерлари текисликни ташкил қилади.

Жўра Эргашев хусусий фермер хўжалиги қарамоғидаги ерларини механизация ишлашига ва суғоришга яроқли хосилдорлиги ўртача ва уларнинг хосилдорлиги асосан иқлимга боғлиқ. Хўжалигимиз яйловларида турли ўтларни ўсиши эрта баҳордан бошлаб, майнинг охирига келиб тугайди.

Бизнинг хўжалигимизда иқлими республикаимизни барча жойларидаги иқлимга ўхшаши ва кескинконтененталь бўлиб ҳисобланади ҳавода булут кам, ойдин кунлар сони жуда кўп. (250-260 кун).

Қашқадарё вилояти каби бизнинг Жўра Эргашев хусусий фермер хўжалигимиз шароитида баҳор эрта бошланади, мартнинг биринчи ўн кунлигидан бошланиб, майни охирига келиб тугайди. Баҳор жуда қисқа муддат ичида ўтади. Об-ҳаво ҳарорати хўжалигимизни шароитида май ойида иссиқ ва қуруқ, ёз эса жуда текис ҳолда ўтади.

Бизнинг хўжалигимизда иқлимнинг бир йиллик ўртача иссиқлик ҳарорати 14-16 градусни ташкил этади, максимал иссиқлик 45-47 градусгача бўлади, бу ҳолат июл-август ойларида кузатилади. Йилнинг энг совуқ

кунлари бу январ ва феврал ойларида кузатилади, совуқ ойларда об-ҳавони харорати ўртача 20-25 градус совуқни ташкил этади.

Бизнинг хўжалигимизда йилнинг намдорлик ёмғир ва қор ҳолатида ёғади ва ўртача бир йиллик намдорлик 250-270 мм ташкил этади.

Хўжалигимизни ерларини бўз ва кўмалак тупроқлардан иборат бўлиб ерости сувлари текис жойларида 5-6 метр ва нотекис қир жойларида эса 20-30 метр чуқурлигида жойлашган. Хўжалигимиз яйловларини тоғ ва тоғ олди ёки текислик яйловлари ташкил этади. Қишлоқ ёнидаги яйловлардан асосан қишда ва қўйларни қўзилатиш даврида фойдаланилади, тоғ ва тоғ этагидаги яйловлардан эса қолган вақтларда фойдаланилади.

Жўра Эргашев фермер хўжалигини иқтисодиётини хал этишда пахтачилик, ғаллачилик, полизчилик, мевачилик ва қоракўлилик тармоқлари муҳим ўрин тутди. Шу боисдан хўжалик раҳбарияти бу тармоқларни ривожлантиришга ва улардан маҳсулот ишлаб чиқаришга катта эътибор бермоқда. Қишлоқ хўжалигида маҳсулот етиштириб аҳолисини талабини қондиришда ер асосий вояита бўлиб ҳисобланади, чунончи аҳоли истемолига ва чорва учун озуқа сифатида ишлатиладиган ўсимликлар ҳам ердан олинди. Шу боисдан ердан унумли фойдаланиш муҳим ўрин тутди. Бу масала фермер хўжалик раҳбариятини эътиборини қозонган ва сўнги йилларда (2018-2019) ўрганишни тақозо этади. Ер тизимини таркиби 1-жадвалда келтирилган.

Жадвал-1

Жўра Эргашев хусусий фермер хўжалигининг ер майдони ва унинг таркиби

Ер майдони кўрсаткичлари	2018-йил		2019-йил	
	га	%	га	%
Жами ер майдони	600,0	100,0	600,0	100,0
Шундан қишлоқ хўжалигида фойдаланишга яроқли ер майдони	504,8	84,1	504,8	84,1
Жумладан: ҳайдалган ер майдони	324,8	64,3	324,8	64,3

Шундан пахта майдони	224,0	68,9	224,0	68,9
Ғалла майдони	100,8	31,1	100,8	31,1
Бир ва кўп йиллик озуқа экиладиган майдонлар	17,0	3,4	17,0	3,4
Аҳолини томорқалари	43,0	8,5	43,0	8,5
Яйловлар учун ишлатиладиган ер	120,0	23,8	120,0	23,8
Қишлоқ хўжалигида ишлатилмайдиган яроқсиз ерлар майдони	95,2	15,9	95,2	15,9

Жадвалдаги маълумотларга асосланиб таъкидлаймизки хўжаликни умумий ер майдонини 84,1 фоизи қишлоқ хўжалиги ишларини бажарилишига ёки фойдаланишга яроқли ва 15,9 фоизи яроқсиз бўлиб ҳисобланади. Кўп йиллар давомида хўжаликни ерлар тизими ва фойдаланиш даражаси бир меёردа сақланиб қолмоқда ва уларга тегишли равишда ишлов берилган. Хўжаликда ҳали фойдаланилмаётган ер майдони 95,2 гектарни ташкил этади ва фойдаланишга яроқли ҳолатга келтиришни тақозо этади. Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар муҳим аҳамиятга эга, чунки уларни тўғри тақсимлаш ва турли мақсадда ишлатилиши хўжаликни иқтисодиётини ва рентабеллигини белгилайди. Буларни инобатга олган ҳолда хўжалик ерлардаги экиладиган экин майдонларини ҳам ўрганиб бордик ва олган маълумотлар 2-жадвалда қайд этилган.

Жадвал-2

Хўжаликни экин майдонлари ва унинг таркиби.

Экин майдон турлари	2018-йил		2019-йил	
	га	%	га	%
Жами экиладиган ер майдони	504,8	84,1	504,8	84,1
Шундан: пахта майдони	224,8	24,6	124	24,6
Ғалла	100,0	39,6	100,0	39,6
Полиз экинлари	36,8	7,3	36,8	7,3
Сабзавот экинлари	17	3,4	17	3,4

Мевазорлар	10	1,9	10	1,9
Озуқа экин майдони жами	117	23,2	117	23,2
Шундан: беда пичан учун	17	14,5	17	14,5
Макка силос учун	30	25,6	30	25,6
Турли кўк ўтлар майдони	70	59,9	70	59,9

Жадвалдан кўринадики 2018-йилда ва 2019-йилда Жўра Эргашев фермер хўжалигининг экин майдонлари бир меъёрга сақланган. Ўсимлик турлари бўйича тахлили кўрсатадики пахта майдони 224,8 га ғалла майдони 100,0 га, полиз экинлари 36,8 га, сабзовот 17 га, мевазорлар 10 га ни ташкил этган. Чорва молларини озуқа билан таъминлаш учун жами 117 га ерда озуқабоп экинлар экилган жумладан 17 га беда пичан учун, 30 га макка силос учун ва 70 га яйлов бўлиб ҳисобланади. Хўжалик ерларини тизимини таркиби ва ўсимликлар экиладиган майдонлари билан биргаликда ерларни ҳосилдорлиги ҳамда олинган маҳсулот миқдорини ўрганишга ёндошдик. Бу борадаги маълумотлар 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал

Жўра Эргашев хусусий фермер хўжалигидаги экинлар майдони
ҳосилдорлиги ва маҳсулот етиштирилиши.

Экин турлари	2018-йил			2019-йил		
	Экин экилган майдон	1 га ҳисобига олинган маҳсулот цент	Жами маҳсулот цент	Экин экилган майдон	1 га ҳисобига олинган маҳсулот цент	Жами маҳсулот цент
Пахта	224	22,6	5062,4	224	23,2	5196,8
Ғалла	100	11	1100,0	100	11,6	1100
Сабзовот	17	162	2754,0	17	163,0	2771,0

Полиз	36,8	57	2097,6	36,8	59	2171,2
Беда	117	50	5850,0	117	60	7020,0

Жадвалдан кўринадикки 2019-йили 2018-йилга нисбатан хўжаликда 1 га ҳисобига олинаниган пахтани ҳосилдорлиги 0,6 центнерга ошган. Хўжаликда пахтани умумий миқдори 134,4 центнерга ошган. Ғаллачиликда эса ер майдони ҳосилдорлиги бир меъёрга сақланганлиги сабабли унинг умумий миқдори бир текис бўлиб 1100 центнерни ташкил этган. Полизчиликда экин майдони ўзгармаган фақат ҳосилдорлик 2019-йилда 2018-йилга кўра оширилган. Шунинг натижасида сабзавотдан олинган умумий ҳосил 17 центнерни полизданэса 73,6 центнерга фарқ этади. Хулоса қилиб таъкидлаш керакки хўжаликда янги технология қўлланиши натижасида барча ўсимликларни ҳосилдорлиги ошиб борган. Тадқиқот иш асосан чорвачилик соҳасида олиб борилганлиги учун унинг таҳлилини ўргандик ва олинган маълумотлар 4-жадвалда акс эттирилган.

4-жадвал

Жўра Эргашев фермер хўжалигидаги чорва молларини бош сони ва таркиби

Мол гуруҳлари	2018-йил			2019-йил		
	режа	ҳақиқий	Бажарилиши %	режа	ҳақиқий	Бажарилиши %
Жами қорамол сони	52,0	51,0	98,1	54,0	53,0	98,14
Шундан: насли буқалар	2,0	2,0	100,0	2,0	2,0	100,0
Сигирлар	20,0	20,0	100,0	21,0	20,0	95,29
Ғуножинлар	6,0	5,0	83,3	6,0	7,0	116,7
Икки ёшга етмаган буқалар	6,0	7,0	116,7	7,0	7,0	100,0
Икки ёшга етмаган тоналар	5,0	5,0	100,0	5,0	5,0	100,0
Бир ёшга етмаган буқалар	5,0	6,0	120,0	5,0	5,0	100,0
Бир ёшга етмаган тоналар	8,0	6,0	75,0	8,0	8,0	100,0

Жами кўй сони	2024	2101,0	103,8	2200,0	2205,0	100,2
Шундан: наслдор кўчқор	60,0	62,0	103,3	62,0	62,0	100,0
Совлиқ	1200,0	1230,0	102,5	1270,0	1270,0	100,0
Таъмирловчи кўчқорлар	100,0	110,0	110,0	100,0	100,0	100,0
Таъмирловчи тухли совлиқлар	313,0	320,0	105,6	350,0	350,0	100,0
Ахталанган кўчқорлар	151,0	152,0	100,7	160,0	165,0	103,1
Бир ёшга етмаган кўчқор	100,0	110,0	110,0	120,0	120,0	100,0
Бир ёшга етмаган урғочи кўзилар	100,0	117,0	117,0	138,0	138,0	100,0

Жадвалдаги маълумотлардан кўринадики сўнги икки йил давомида чорвачилик бўйича деярли даражада ривожланиб бормокда, шунда кўйчилик бўйича барча режалар бажарилган қорамолчиликни туёғи бўйича режа бажарлимаган бўлсада 1,2 фоизга ошиш тенденцияси кузатилмокда. Чорвани туёғини ўрганиш билан биргаликда уларни маҳсулдорлигини ҳам ўргандик ва бу борадаги маълумотларни 5-жадвалда келтирганмиз.

Жадвал-5

Жўра Эргашев хусусий фермер хўжалигини молларини
маҳсулдорлиги

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2018-йил			2019-йил		
		режа	ҳақиқий	Бажарилиши %	режа	ҳақиқий	Бажарилиши %
Сигир бошидан соғилган сут	кг	1900,0	1813	93,7	1850	1728	90,7
Кўй бошидан олинган жун	кг	1,8	1,9	111,7	2	2,1	105
Жами қирқилган жун	кг	3643,5	3991,9	109,6	4400,0	4630,5	1050,2
100 бош сигир ҳисобига олинган бузоқ сони	бош	76,0	76,0	100	76,0	73	104,3
Жами олинган	бош	15,0	15,0	100	16,0	16,0	100,0

бузоқ сони							
100 бош совлиқ ҳисобига олинган қўзи сони	бош	100	99,0	99,0	100	100	100
Жами олинган қўзи сони	бош	1200	1217, 7	101,5	1270	1270	100

Жадвалдаги маълумотларга кўра хўжаликдаги чорва молларини маҳсулдорлиги тобора ошиб бориши кузатилмоқда ва барча кўрсаткичлари ошиши билан бажарилган фақат сигир бошидан соғиб олинган сутни миқдори 2019-йилда 2018-йилга нисбатан 90 кг пасайиб кетган. Хўжалик бўйича ишлаб чиқарилган ва сотилган маҳсулотларни миқдорини ўрганишда олган маълумотлар 6-жадвалда келтирилганмиз.

6-жадвал

Хўжаликда маҳсулот ишлаб чиқарилиши ва сотилиши

Маҳсулот тури	Ўлчов бирлиги	Маҳсулот ишлаб чиқариш			Маҳсулотни сотиш		
		2018-йил			2019-йил		
		режа	ҳақиқий	Бажарили ши %	режа	ҳақиқий	Бажарили ши %
Сут	тон	38,0	36,3	95,5	38,8	34,6	89,1
Гўшт	тон	16,0	14,5	90,6	15,0	14,0	93,3
Жун	цент	36	39	108,3	44,0	46,3	105,2
Қоракўл	дона	800	830	103,7	800	830	103,7

Жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики 2019-йилда хўжаликда 2018-йилга нисбатан 0,5 тонна гўшт кам ишлаб чиқарилган қолган маҳсулотлар эса деярли даражада кўп ишлаб чиқарилган. Маҳсулотларни сотишда ҳам нисбатан жун устунлик қилган. Фақат гўшт 3 тоннага кам сотилганини кўриш мумкин (6-жадвалга қаранг).

Хўжалик бўйича ишлаб чиқарилган барча қишлоқ хўжалик маҳсулотларига кетган харажатлар ёки маҳсулотларни таннархи ҳам ўрганиб чиқилди. Бу тўғрисидаги маълумотлар 7-жадвалда келтирилган.

Жадвал-7

Хўжаликда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни таннархи

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2018-йил	2019-йил		
			режа	амалда	Бажарилиши %
Қорамолларни 1 цент тирик вазни	сўм	105000	115000	125000	108,7
Қўйларни 1 цент тирик вазни	сўм	85000	95000	9400	98,9
1 центнер сутни таннархи	сўм	8900	10000	10900	109
1 центнер гўштни таннархи	сўм	111000	130000	135000	103,8
1 дона қоракўл терини таннархи	сўм	2590	3000	3100	103,3

Жадвалдаги маълумотлардан кўринадики Жўра Эргашев фермер хўжалигида чорва молларидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни таннари анча баланд ва соҳани ва маҳсулот етиштиришга салбий таъсир этгани кўринмоқда.

IV. Жўра Эргашев фермер хўжалигида меҳнатни муҳофаза қилиш.

Хўжаликда меҳнат муҳофазасига катта эътибор берилади. Меҳнатни муҳофафза қилиш албатта хўжаллик бошқарувчисини – зиммасига юклатилади. Техника хавфсизлигини хўжаликни бош инженери томонидан бошқариб борилади.

Техника хавфсизлиги бўйича мунтазам равишда инструктаж махсус журналларга қайд этиб борилади. Илк бор инструктаж ишга қабул қилинган ишчиларга ўтказилади бу инструктаж вадний деб номланади, иккинчи инструктаж жойлардаги мутахассислар орқали ўтказиб борилади.

Хўжаликда ишчилар бир иш жойдан иккинчи жойга ўтказилганда ҳам инструктаж олиб борилади. Хўжаликни иш жараёнларида ўзгаришлар вужудга келганда барча ишчилар йилнинг бошида техника хавфсизлиги бўйича инструктаждан ўтказилиши шарт ва бу иш йилнинг бошида амалга оширилади. Барча олиб борилган инструктажлар хўжаликларда тутилган махсус журналларга қайд қилиниб ишчиларни имзолари қўйилади.

Меҳнат муҳофазаси жуда муҳим чунки ишчиларни ва чорва молларини соғломлигини кўзлайди. Шуларни инобатга олган ҳолда хўжалик маъмурияти бу тадбирни ўтказиш учун ҳар йили етарли даражада ишчи кучлари билан ишчиларни таъминлашга катта эътибор бериб боради. Олиб борилган ишлар яхши натижаларни берган ва сўнгги 5 йил мобайнида хўжаликларда бахтсиз ходисалар юз бермаган, қолаверса кўйчилик хўжаликларни ҳудудини экологик тоза ҳолат бўлиб ҳисобланмоқда. Хўжаликларда бу ишларни амалга

ошириш учун махсус хона ажратилади ва техника хавфсизлик бурчаги ташкил этилади ва тегишли жихозлар билан таъминланган .

Хўжаликда қўйчилик ва биноларни ёнғиндан сақлаш в ишчиларни меҳнатини муҳофаза қилиш борасида корхонада ҳам бурчаклар ташкил этилиб тегишли кўргазмали плакатлар билан жихозланиши керак.

Ишчиларни ишлашига ва дам олишига шароитлар яратилган ва иш муддати 8 соатдан ошмаслигига катта эътибор берилиб борилади ва бу режа хўжалик умумий мажлиси томонидан тасдиқланган.

Хўжаликни техника хавфсизлиги ҳолати.

Қишлоқ хўжалигида ва жумладан гўшт маҳсулоти етиштириш ва ишлов беришда ишчи ва хизматлар турли электр мосламалари ва техник воситалардан фойдаланилади. Шу боисдан уларни ишлатиш ва тўғри фойдаланиш муҳим аҳамиятини касб этади. Бунга хотиржам ишлаш ва соғлиқни сақлаб қолиш илк бор шу жараёнлардаги меҳнат қилувчиларни маъсулиятига ва фидоийлигига ҳамда техника хавфсизлигига қатъян риоя этишига боғлиқ.

Бундан келиб чиқиб хўжалик шароитида олти ойда бир маротаба техника хавфсизлиги бўйича инструктаж олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Бу ишни техника хавфсизлиги инженери йил давомида мунтазам равишда олиб бориши зарур. Техника хавфсизлигини тўғри олиб бориши учун хўжаликлар ҳар йили 200-300 минг сўм маблағ ажратади ва барча аҳолини яшашини ва соғлигини сақлайди.

Хўжаликларда санитария ишларини ташкиллаштиришда бош ветеринарнинг ўрни жуда катта, уни ўтказиш учун махсус режа ишлаб чиқаради ҳамда бошқа тадбирлар ўз вақтида бажарилишини кузатиб боради. Бу тадбирларни бошқариб бориш бевосита хўжалик жамоасини соғлигини сақлашга қаратилган. Хўжаликда аҳоли касаликка чалинганда уларни даволаш чора тадбирлари кўринади, зарурият туғилганда касалхоналарга ётқизилиб даволанади.

Бу ишларни амалга оширишда корхона ҳудуди аҳолини турар жойлари тозалани ободонлаштиришга катта аҳамият берилади. Турли юқумли ва паразитар касалликларни тарқалишини олдини олиш учун хўжалик ҳудудидаги жойда итларни ўлдириш хайвонларни мурдаларини махсус жойга кўмиб ёки куйдириб бориш зарур. Шулар билан биргаликда барча хайвонлар турли касалликларга қарши эмланиб борилади.

Хўжаликда меҳнатни муҳофазаси ва тегишли равишда ишчи, хизматларидан ҳамда аҳолини соғлигини сақлаб қолиш ва шунингдек техник воситаларни тўғри йўлга қўйиш учун махсус чора тадбирлар ишлаб чиқилади ва уларга қатъиян риоя этишга даъват этилади.

Бу тадбирларни амалга оширишда хўжалик маъмуриятини ва барча соҳа мутахассислари эътибор бериши талаб қилади ва деярли яхши йўлга қўйилганлиги сабабли хўжаликлар ахли, чорва молларини ва ҳудудини экологик шароити кўп йиллардан бери қониқарли ёки талаб даражасида бўлиб келмода.

V.Хусусий қисм.

5.1.Тадқиқот ишнинг манбаи, мақсади вазифалари ва олиб бориш усуллари.

Қоракўл қўйлари мамлакатимизни чўл ва ярим чўл минтақаларида жуда қадимги зимонлардан бошлаб урчтилаётган қўйлари бўлиб ҳисобланади. Бу қўйлар урчитилиши минтақасида бир-бирига ўхшашли бўлсада ҳар бири алоҳида хусусиятлар ва конституцион белгилари билан фарқланади. Шу фикрларга асосланиб бизнинг тадқиқот ишимизни манбаи нишон қоракўлчилик давлат наслчилиги хўжаликларида урчтилаётган қоракўл қўйлари бўлиб ҳисобланади. Бу манбадаги қоракўл қўйларини ўрганишда бизнинг мақсадимиз хўжалик шароитида урчитилиб келинаётган қоракўл қўйларини махсулдорлигини зоотехникавий тавсифини таҳлил қилишдан иборат. Бу мақсадни амлда таҳлил қилишда биз қуйдаги вазифаларни ўрганишга ёндашдик;

- Қоракўл қўйларини сони, таркиби, конституцияси ва насли синиф даражаси
- Қўйларни экстерери, конституцияси семизлик, тирик вазни динамикаси.
- Қўйларни ҳаётчанлиги, такрорий ишлатилиш хусусиятлари, пуштдорлиги ва сут махсулдорлиги.
- Қоракўл қўйларини жун махсулдорлиги.
- Қоракўл қўйларини гўшт махсулдорлиги.

- Хўжалик қоракўл қўйларини урчитишини самарадорлиги.

Бу вазифани ўрганиш қуйдаги режа асосида олиб борилди (8-жадвал)

Жадвал-8



Хўжаликда урчитилган қоракўл қўйларини сони хўжаликдаги хисоботдаги қўйларни сони хўжаликдаги хисоботдаги қўйларни сонини билан амалга оширилди. Таркибини ўрганишда эса қуйдаги формулаги амал қилинди.

$$C = \frac{A}{B} * 100$$

Бунда С ўрганилган қўй гурухлари миқдори фоиз ҳисобида; А – хўжаликдаги қўй сони бош; В – ўрганилган гурухдаги қўй сони бош

Қоракўл қўйларини насли сифат ва синиф даражасини аниқлашда бонитировка журналдаги келтирилган маълумотларга таяниб ўрганилди.

Қоракўл қўйларини экстерьер ва конституцион кўрсаткичларини ўрганишда кузда чамалаб ва санаб олиш усули ишлатилди.

Қоракўл қўйларини семизлиги хўжалик ҳисоботидан снаб чиқилди, ва унда танасини ривожланиши ва ёғ тўрланиши асос қилиб олинди. Тирик вазнини аниқлашда ҳам хўжалик маълумотларига таянилган ва бунда қўйлар ёши ва жинси бўйича баҳорда ва кузда тарозида тортиш орқали ўрганилган.

Қўйларни ҳаётчанлиги ва такрорий ишлатишда фойдаланишнинг ҳам хўжаликни ҳисоботидан ўрганиб борилди, аниқлашда эса хўжаликдаги қўйларни қўзилатиш журнали маълумотларидан ўрганилд. Она қўйларини сутдорлигини аниқлашда ҳар бир килограмм тирик вазни ўсишга сарфланган сут миқдор ҳисобга олиниб ўрганилди бу усул Аверенов И.Я (1951) томонидан тавсия этилган бўлиб қўйчиликда кенг қўлланилади.

Қоракўл қўйларини жун маҳсулдорлиги ва унинг сифатини ўрганишда хўжаликдаги келтирилган ҳисоботдан таҳлил этилди. Қўйларни гшўтмаҳсулдорлиги ҳам ўрганишда хўжалик маълумотларга таҳлил этиб бориш орқали амалга оширилди.

Қўйларни урчитилишини смарадорлигини ўрганишда хўжаликни буғалтерия бўлимида, юритилган ҳисобот ёки маҳсулотларни ишлаб чиқилиб сотиш калкуляциясидан фойдаланилади.

5.2.Тадқиқот натижалари ва унинг таърифи

5.2.1.Хўжаликдаги қорақўл қўйларини экстерер конституцияси, сони, таркиби ва насли синфий даражаси.

Хўжаликдаги урчитилаётган қорақўл қўйлари худудга яхши мослашган ва унинг иқтисодиётини ҳамда аҳолисини турмуш даражасини белгилашда мустахкам ўрин тутади.

Хисобот йилида хўжаликда урчтилиб келинган қорақўл қўйларини экстерири ва конституция типларини тахлил қилдик ва қайид этаимзки унда қўпол, мустухкам ва нозик типига мансуб қорақўл қўйлари урчитилган.

Мустахкам типига танаси мутаносиб ривожланган,суяклари бўртиб чиқмаган, танасини жун билан қопланиш яхши ва ялтироқ, суяклари мустахкам, яйловларда терисини қалинлиги ва семизлиги ўртача бўлган қорақўл қўйлар киритилган уларни миқдори умумий подага нисбатан 58 фоизга тенг бўлиб 1278,0 бошни ташкил этган.

Суяклари оғир,йирик, толалари йирик боши катта бурн қисми бўртиб чиққан жунлари дағал таркибида қилтиқ толаси кўп, тери миқдори кам ва шунингдек барча бўғим қисмларида суяклари бўртган семиз эмас, яйловда жуда хаддан ташқари ҳаракатчан хусусиятлари билан характерланган қорақўл қўйлири қўпол конституцияга киритилган. Бу қўйларни умумий подага нисбатан миқдори 28 фоизга тенг бўлиб 11490 бошни ташкил этган.

Танаси кичкина, жуни танасига деярли ёпишган ва калта, таркибини асосан тивит ва оралиқ жун толалари ташкил этган, калласи кичкина, суяклари енгил, иштахаси яхши бўлсада яйловда ҳаракатчанлиги ва

озуқаланиши паст, семирмайди бу хусусиятлар билан ифодаланган. Қоракўл қўйлари нозик конституцияга ажратилган ва умумий подага нисбатан 14 фоизни ёки 5745 бошни ташкил этган.

Экстерер – конституцион кўрсаткичлари қаторида хўжаликдаги урчитилиб келинаётган қоракўл қўйларини сони, пода таркиби ва насли сифат даражаси ҳам тахлил этилди. Бу кўрсаткичлар тўғрисидаги маълумотлар ишимизда 9-жадвалда акс этирилган.

Жадвал-9

Жўра Эргашев фермер хўжалигида қорақўл қўйларини сони, пода таркиби ва насли сифат даражаси

Фермалар №	Қорақўл қўй сони – бош					Қўйларни пода таркиби - %				Қўйларни насли сифати – класс			
	жами	Шу жумладан				катта насли қўчқор	катта насли совлик	Насли қўчқоралар	Ёш насли совлик	элита д	элита	I	II
		катта насли қўчқор	катта насли совлик	ёш насли қўчқорлар	ёш насли совлик								
1	3075	615	-	2460	-	1,5	-	5,9	-	1500	1575	-	-
2	4800	-	3460	-	1340	-	8,44	-	3,27	1200	2160	960	480
3	4800	-	3470	-	1330	-	8,45	-	3,25	1190	2150	990	470
4	4840	-	3450	-	1390	-	8,41	-	3,38	1210	2170	104	420
5	4700	-	3470	-	1230	-	8,45	-	2,99	1100	2200	900	500
6	4700	-	3470	-	1230	-	8,45	-	2,99	1050	2000	850	800
7	4700	-	3460	-	1240	-	8,43	-	3,03	1070	2010	810	810
8	4710	-	3460	-	1250	-	8,44	-	3,06	1100	2110	900	600
9	4710	-	3470	-	1240	-	8,45	-	3,01	1060	2120	940	590
жами	41035	615	27710	2460	10250	1,5	67,53	5,9	24,98	10480	18495	739	467

1-фермада фақат насли кўчқорлар урчитиби уларни сони 3075 бошни ташкил этган шундан 615 бош кўчқорлар катта ёшда бўлиб совлиқларни қочиришда ишлатилган, 2460 бош кўчқорлар налға қолдирилган ёш кўчқорлардан наслға қолдирилган ёш кўчқорлардан иборат ва улар хўжаликда фақат жун ҳамда наслға гўштға сўйилган.

2-фермада жами бўлиб 4800 бош она қўй урчтилган шундан 3460 бош совлиқлар қочирилиб қўзи олишда фойдаланилган қолган қўйлар эса турли жинсга мансуб бўлиб ҳисобланади.

Эришилган маълумотлар шуни кўрсатадики хўжаликда наслчилик ишлари ёки танлаш, саралаш бонитировка каби хўжалик ишлари йўлга қўйилмаган. Шу боисдан қўйларни конституция типлари ва синф даражаси талаб даражасида эмас. Биз томонда бу камчиликлар фермер хўжалиги раисига кўрсатиб ўтилиши билан унинг маҳсулдорлигига салбий таъсир этиш ва шунингдек хўжаликни рентабеллигини пасайтиришга олиб келиши ҳам ўзгартиради.

5.2.2. Қоракўл қўйларини жусса тузилиши тирик вазн динамикаси ва гўшт маҳсулдорлиги

Бу кўрсаткичларни ўрганиш жуда маъсулиятли иш бўлганлиги сабабли илк бор адабиёт маълумотлари билан яқиндан танишдик ва сўнгра олган маълумотларни амалиётда қўллашга ҳаракат қилдик. Таҳлил қилинган қўйлар жусса кўриниши йирик калласи бўйинга бўйни танасига ва жумладан барча тана қисмлари бир-бирига тақосланганида мутаносиб тузилганлиги кўринди. Қўчқорларини каласи бирмунча йирик, бу қўйларни асосий қисми шахсиз, айрим вакилларини шохлари мавжуд ва бу табиий ҳол деб ҳисобланади.

Қўйларни бош қисми тўлиқ жун билан қопланган, қўчқорларни танаси йирик, бўйини калта ва бир нечта тери қаватлари мавжуд, совлиқларда бўйни нисбатан узун ва ундаги тери қаватлари нисбатан кам қўйларни кўкрагини кўриниш кенг ва чуқур, айрим вакилларини бели осилган бўлсада асосий қисмини бели текис ва тўғри, қўйларни оёқларини узунлиги ўртаа бўлиб ҳисобланади, уларни туёқларини узунлиги ва тоғ минтақаларида юришда ва ҳаёт кечиришида бир мунча қулайликларга эга ва ўзини узоқ масофаларга олиб юришга чидамли ва яйловлардан унумли фойдаланиш хусусиятлари билан фарқланмоқда ва тез етилиб семириш қобилиятига эга.

Тана ўлчамларини кўрсаткичлари ўртача бўлиб ҳисобланади. Қўйларни тирик вазни бевосита уларни жинс, ёши ва йил фасли билан боғланган ва бу тўғрисидаги маълумотларни 10-жадвалдан кўриш мумкин.

Жўра Эргашев хусусий фермер хўжалигида қоракўл қўйларини
тирик вазн динамикаси

Жинси ва ёши бўйича қўй гуруҳи	Баҳорда			Кузда		
	қўпо л	мустаҳка м	нози к	қўпо л	мустаҳка м	Ноз ик
Наслдор қўчқорлар	55	60	45	60	65	47
Совлуқлар	45	50	42	50	55	45
2 ёшга етмаган қўчқорлар	50	47	42	60	55	50
2 ёшга етмаган тухлилар	47	45	40	55	50	45
Ахталанган қўчқорлар	50	45	40	55	50	45
1 ёшга етмаган қўзи қўчқорлар	4,0	3,8	3,4	37	32	29
1 ёшга етмаган урғочи қўзилар	3,7	3,5	3,2	35	30	27

Жадвалдан кўринадикки қўйларни тирик вазни уларни жинсига, ёшига, конституция типига ҳамда йилнинг фаслига боғлиқ. Барча жинс ва ёшдаги қўйлар кузда тирик вазни бўйича баҳордаги тенгқурларидан устун турган, конституция типлари бўйича қўпол типдаги қўйларни вазни баланд бўлган. Нозик типдаги қўйларни вазни кам бўлган. Мустаҳкам типига мансуб қўйларни вазни вазни эса оралиқ масофани эгаллаган.

Жинси ва ёши бўйича қўчқорлар юқори кўрсаткичларга эга бўлган, энг паст кг тирик вазн бир ёшга етмаган урғочи ва эркак қўзиларда кузатилган. Қолган гуруҳлар эса оралиқ масофани эганллаган.

Тирик вазни бўйича шундай хулосага келиш мумкинки фермер хўжалиги шароитида урчитилаётган қўйларни тирик вазни ва конституционал хиллиги ҳама танасини жусса тузилиш бўйича қоракўл, қўйларини талабга жавоб беради.

Тирик вазнини ўрганиб чиқиш қаторида уларнинг гўштдорлигини ҳам ўрганишга ёндошдик. Кузатув натижасига асосланиб қайд этамизки бу кўрсаткичга қўйларни ирсияти, парваришланиши, жинси, ёши ва шунингдек сўйилиш технологияси каби омилларга боғлиқдир. Гўштга топшириладиган қўйлар гуруҳи асосан ахаталанган қўчқорлар ва наслга яроқсиз бўлган бошқа жинсий гуруҳлардаги қўйлар ҳамда ёш қўзилар деб ҳисобланади.

Барча турдаги қишлоқ хўжалик ҳайвонлар ва шу жумладан қўйлар гўшт учун махсус боқилади. Қўйчиликда бу жараён икки усулда амалга оширилади. Биринчи қўйларни махсус ажратилган ва жиҳозланган жойларга келтириб қамаш ва турар ҳолда қўлдан озиклантириб семиртириш, бу технологик жараён ишлаб чиқаришда бўрдоқилаш деб юритилади. Иккинчи семиртириш усули яйратиш деб юритилади ва бу тадбир қўйларни махсус ажратилган яйловларда боқиш орқали амалга оширилади.

Жўра Эргашевхусусий фермер хўжалигида айнан шу иккинчи усулдан фойдаланган ҳолда қўйлар семиртирилиб гўштга ишлатилган. Жўра Эргашев хусусий фермер хўжалигини қўйлари гўштга топширилиши учун илк бор махсус хужжатлар (чуртовая ведомость) тўлдирилган, унда қўйларни бош сони тирик вазни, хўжаликни номи ва ким орқали ҳамда қолган (сана йил соат) юборилган каби маълумотлар ўз аксини топади. Қўйларни сўйишга тайёрлашга катта эътибор берилади, унда фақат ўртадан юқори ва ўрта семизлик даражасидаги қўйлардан фойдаланилади, қолаверса уларни соғломлиги ҳам катта аҳамиятга эга.

Қўйларни гўштга топширилиши қуйидагича амалга оширилади, қўйларни гўштга жўнатиш учун йўл ва восита танланиб жиҳозланади, ундан сўнг меъёрий равишда махсус жойларда қўйлар транспорт воситасига ортилади. Ортилган қўйларга чуртовой ведомость тўлдирилади ва уларни олиб борувчига йўл юриш режаси билан биргаликда таништирилади.

Қўйларни транспорт воситасида олиб юриш чоғида транспорт воситасини тезлиги 60 км/соат , эҳтиёт бўлиб юриши тўла назорат қилиниб борилади. Йўл юриш узоқ давом этса ҳайдовчи транспорт воситасини маълум масофани ўтгач тўхтатиб қўйларни туғилса айрим ишларни амалга оширади, агарда зурурият бўлмаса юришни давом этади.

Транспорт воситаси мўлжалланган жойга етиб боргач уларни чуртовойга амал қилган ҳолда келтирилган қўйларни вазнини аниқлайди. Бу технологик жараёни қуйидагича амалга оширилади, транспорт воситаси қўйлар билан биргаликда тарозида тортиб юборилади ва унинг кўрсаткичи қабул қилувчини журнаliga акс этирилади. Бу технологик жараёндан сўнг ундаги қўйлар сўйиш учун ажратилган жойга хайдаб бўшатилади.

Бундай модда алмашинув натижасида қўйларни организм озик қолдиқларидан тозаланади ва сўйилган қўйларни нимтаси тозаланади ва сўйилган қўйларни нимтасини бузилишдан сақлаш имконини яратади. Қўйлар бу даврда ҳам дам олади, ҳам ўз вазнини йўқотади.

Ўз ишимизда бу жараён тадқиқот гуруҳидаги қўйларда кечишини кузатишга ёндошдик ва эришилган натижалар 11-жадвалда ўз аксини топган.

Қорақўл қўйларни оч тутиш даврида тирик вазнини ўзгариши

Тадқиқот қўй гурӯҳлари	Бош сони	Тирик вазни ўзгариши			
		Сўйишга топширилгандаги вазн кг	Сўйишдан олинги вазни кг	Тирик вазни камайтиши	Сўйишда топширилганига нисбатан ўзгариши %
Катта қўчқорлар	3	50	47,0	3,0	6,0
Ахталанган қўчқорлар	3	40,0	38,0	2,0	9,0
Наслга яроқсиз совлиқлар	3	38,0	35,0	3,0	8,0
Насли сифати паст 7-9 ойлик қўзи қўчқорлар	3	32,0	30,0	2,0	5,5

Жадвалдаги маълумотларга асосланиб қайд этамизки оч тутиш даври (24 соат) қўйларни тирик вазнига салбий таъсир этган. Бунда катта қўчқорларни мутлоқ вазни нисбий 6,0 % фоизга камайтирган.

Қорақўл қўйларини сўйиб гўшт маҳсулдорлигини таҳлил этиш учун тажриба тасвиридаги кўрсатилган ҳар бир гурӯҳдан ўз бошдан қўй ажратилди. Сўйим жараёни Ахонгоррон фермери хўжалигини ўзида ўтказилди.

Маълумки қўйларни сўйим ва қонсизлантириш техникаси маълум даражада гўштни нагига, сифатина ва шунингдек миқдорига таъсир этади. Бинобарин қўйни танасидан қон тўлиқ чиқарилмаса гўшт таркибида қолиб миқдорини оширади, лекин унинг ранги ва сифати талабга жавоб бермай нимтани бузилишига олиб келади.

Қўйларни сўйилиши юқорида қайд этканздек хўжалик шароитида амалга оширилди ва бунда барча технологик жараёнларга амал қилинди.

Қўйларни гўшт кўрсаткичларини тахлили қилинишида биз ҳар бир қўйнинг нимта гўшти, ички ва ташқи ёғларини, ҳамда сўйим вазни ва уларни чиқимини аниқлашга уриндик. Бу кўрсаткичлар тўғрисидаги маълумотлар 12-жадвалда ўз аксини топган.

Жадвал-12

Жўра Эргашев хусусий фермер хўжалигида урчитилаётган қоракўл қўйларини гўшт маҳсулдорлиги. (п-3)

Сўйилган қўйлар гуруҳлари	Сўйишда н олдинги тирик вазни кг	Нимта гўшти		Ёғ		Олинган жами гўшт	
		Ҳажм и кг	Чиқим и %	Ҳажм и кг	Чиқим и %	Ҳажм и кг	Чиқим и %
Катта қўчқорлар	47,0	23,9	51,0	5,9	12,5	29,7	63,5
Ахталанган қўчқорлар	38,0	19,3	50,9	4,2	11,0	23,5	61,9
Наслга яроқсиз совлиқлар	35,0	17,5	50,0	3,7	10,5	21,2	60,5
Насли сифати паст 7-9 ойлик кўзи-қўчқорлар	30,0	14,7	48,9	2,7	9,0	17,4	57,9
Ўрта ҳисобда	37,5	18,8	50,2	4,1	10,7	22,9	61,3

Жадвалдан кўринадики Жўра Эргашев хусусий фермер хўжалигидаги қоракўл қўйлари яхши гўшт хусусиятларига эгадир. Бу қўйларни устида фикр юритишда шуни такидлаш лозимки уларни гўштини ҳажми ва чиқими,

қўйларни ёшига ва жинсига боғлиқ 23,5 нимта гўшти ва 5,9 кг ёғ наслга яроксиз қўчқорлардан тегишли равишда 51,0 ва 12,5 фоизни ташкил этган. Ахталанган қўчқорлардан 19,3 кг нимта гўшти 4,2 кг ёғ олди уларни чиқими тегишли равишда 50,9 ва 11,0 фоизни ташкил этди. Совлиқларда бу кўрсаткич тегишли равишда 17,5 кг нимта гўшти, ва 3,7 кг ёғ олинган бўлиб, уларни чиқими эса 50,0 ва 10,5 фоизни ташкил этган, бу кўрсаткичлар 7-9 ойлик қўзи қўчқорлардан эса тегишли равишда 14,7 ва 2,7 кг ёғи 48,9 ва 9,0 фоизни ташкил этган.

Қўчқорларни сўйим вазни 29,7 чиқими 63,5 фоизни ташкил этган. Ахталанган қўчқорларни сўйим вазни 33,7 кг, сўйим чиқими эса 61,7 фоизга тенг бўлган. Бир яшар қўзи қўчқорларни ва совлиқларни сўйим вазни 17,4 кг сўйим чиқими эса 57,9 фоизга тенг бўлган.

Олган маълумотлар кўрсатадики ёғ ва элита оғирлиги бўйича энг яхши қўчқор ва ахталанган қўчқорларда кузатилган оралиқ масофани эгаллаган, энг кам кўрсаткич эса қўзи қўчқорларда кузатилган. Лекин бу маълумотларни нисбий тахлили бўйича юксак кўрсаткички ўрта масофани совлиқлар ва энг пастки кўрсаткични қўзи қўчқорлар эгаллаган. Биз умумий гўштни ҳажми ва нисбий чиқими бўйича ҳам бу ҳолатни кузатдик.

Гўшт ва ёғ маҳсулотларини тахлили кўрсатадики улар билан қўйларни жинси ёши бўйича узвий боғланишлик мавжуд.

Қўйлардан олинган гўшт маҳсулоти ўзининг семизлик даражасига кўра яхши кўрсаткичга эга бўлган, қолаверса нимталарнинг асосий қисмлари 1 сортга киритилган.

Тадқиқот олиб борилган қўйларимизни гўшт маҳсулотларини тахлилэтишимиз билан биргаликда уларни ички органларини ва шунингдек жундор органларини (калла-поча) ҳажмини ва сифатини ўрганишга ёндошдик. Улар тўғрисидаги маълумотлар 13-жадвалда келтирилган.

Қорақўл қўйларидан қўш гўшт маҳсулотлар олиниши

Тр №	кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Катта кўчқорлар	Ахталанган кўчқорлар	совлик	Қўзилар
I категориядаги қўш гўшт маҳсулотлар						
1	Юрак	г	450	350	370	250
2	Жигар	г	600	500	540	400
3	Буйрак	г	250	200	210	160
4	Талоқ	г	300	280	290	220
5	Ўпка	г	650	520	540	400
6	диафрагма	г	280	240	250	250
	Жами	кг	2,53	2,09	2,20	1,0
II категориядаги қўш гўшт маҳсулотлари						
1	Калла (боши)	кг	3,8	3,2	3,1	2,9
2	Оёқлар (олдинги, кейинги)	кг	0,9	0,6	0,6	0,4
	Жами		4,7	3,80	3,70	3,3
	Умумий жами	кг	7,23	5,89	5,90	4,9

Жадвалдан кўринадикки қўш гўшт маҳсулотлари ўзининг сифати бўйича I ва II тоифаларга бўлинган. Шунда I тоифага юрак, жигарбуйрак, талоқ ва диафрагма киртилган. Бу субпродуктлар қўйларни жинси ва ёшига боғлиқ ва бир биридан ҳажми бўйича катта фарқ этмайди.

II категориядаги субпродуктларга қўйлар боши ва оёқлари киритилган уларни, ҳажми тегишли равишда чўчқорларда 4,70 кг, ахталанган кўчқорларда 3,89 кг, совлиқларда 3,7 кг ёш қўзиларда эса 3,3 кг ни ташкил этган.

Ишлаб чиқаришда бу махсулотлардан тўғри фойдаланилса мазкур қўйларни гўшт махсулдорлигини янада 10-13,8 фоизга ошириш имконлари мавжуд. Шу боисдан уларни етказишни йўлга қўйишни тақозо этади.

5.2.3. Жўра Эрашев хусусий фермер хўжалигидаги қоракўл қўйларини жун маҳсулдорлиги

Жўра Эрашев хўжалигида қўйларидан қирқиб олинган жунларни таҳлил қилдик ва олган натижаларни 14-жадвалда келтирилган.

Жадвал-14

Жўра Эрашев хусусий фермер хўжалигидаги қоракўл қўйларни жун маҳсулдорлиги

Қўйларни гуруҳлари	Бош сони	Олинган жун Кг		Синф даражаси %		Толасини тоза чиқими %
		Бир бошдан	жами	1	2	
Наслдор қўчқорлар	62	3,1	174,2	139,4	34,8	71,5-74,5
Совлиқлар	1270	2,6	3302,0	2311,4	990,6	70,1-73,4
Ахталанган қўчқорлар	165	2,2	363,0	182,0	181,0	70-72
Икки ёшга етмаган қўчқорлар	100	2,7	270,0	202,5	67,5	72-74
Икки ёшга етмаган тўллилар	350	2,3	805,0	563,5	241,5	71,5-74
Бир ёшга етмаган қўчқорлар	120	0,9	108,0	86,4	21,6	73-74
Бир ёшга етмаган тўхлилар	138	0,7	96,6	76,4	20,2	72-73
жами	2205	2,48	5118,8	3561,6	1557,2	71,4-73,5

Жадвалдаги маълумотлар кўрсатадики 2019-йилда 2205 қўй қирқилган ва бир қўй бош ҳисобига 2,48 кг жун олинган хўжалик бўйича ишлаб чиқарилган жун 5118,8 кг ни ташкил этган. Олинган жуннинг 3561,5 кг 1

классга, 1557,2 кг 2 классга киритилган ва толасини тоза чиқими ўрта ҳисобда 71,4-73,5 фоизни ташкил этган.

Турли жинс ва ёки ёш бўйича таҳлил қилинганида энг юқори даражани наслдор қўчқорлар ва пастки кўрсаткични эса бир ёшга етмаган қўйлар эгаллаган қолган гуруҳлар эса оралаиқ масофани эгаллаган. Хўжаликдаги қўйлар ўзининг жундорлиги бўйича қорақўл қўйларига мансуб деб ҳисобланади ва фикримизга биноан хўжаликда урчитилаётган қорақўл қўйларини жун маҳсулдорлиги хўжаликни шароитига, қўйларни жинсига ва ёшига боғлиқ эканлигини таъкидлашни лозим топдик.

5.2.4. Қўйларни пушторлиги ва сут маҳсулдорлиги

Қоракўлчиликда қўйларни қўзилаштиш жуда муҳим тадбир бўлиб ҳисобланади. Чунончи уни тўғри ташкил этилиши қўйларни қийнамасдан қўзилаштига, соғлом қўзи олишга, уларни тўғри парваришлаб вояга етказишга сақлаб қолишига ижобий таъсиретиш жуда кўп олимлар ва ишлаб чиқариш тажрибаларида бир неча бор исботланган. Бу тадбирни яна бир муҳимлиги шундаки маҳсулот олишга катта таъсир этади. Шу фикрларни англаган ҳолда биз хўжаликдаги урчитиб келинаётган қоракўл қўйларини пушторлигини ва шу қаторда сутдорлигини ўрганишга ёндошдик. Бу тўғрисидаги маълумотлар асосан хўжаликни ҳужжатлари ва адабиётлардан олинди. Натижаларни эса 15-жадвалдан кўриш мумкин.

Жадвал-15

Қоракўл қўйларини пушторлиги ва сут маҳсулдорлиги

Сурув №	Жами совлиқ сони		Қўзилаш натижаси		Онасида ажратилган қолган қўзилар		1 бошдан бир йилда олинган сут (кг)
	Шундан бўғоз совлиқлар	Қўзилага н совлиқлар	Жами олинган қўзи сони	100 бош ҳисобига олинган қўзи сони	Бош сон	%	
1-сурув	420	414	455	110	446	98	49,7
2-сурув	420	410	442	108	429	97	50,1
3-сурув	430	425	468	109	459	98	52,0
жами	1270	1249	1365	109,5	1354	97,7	50,6

Жадвалдаги маълумотлардан келиб чиқиб шуни таъкидлаймизки хўжаликда жами бўлиб 1270 та бўғоз совлиқ бўлган, шундан 1249 та совлиқ

қўзилаган ёки бу 97,7 фоизни ташкил этади, демау 2,3 фоиз қўй қисир қолган қўзилаш натижасида жами бўлиб 1365 та соғлом қўзи олинган ёки ҳар бош совлиқдан 109,5 дона қўзи олинган ва натижада хўжаликда 2,3 фоиз қўй қисир қолишига қарамасдан қўзи олиш режаси амалда бажарилган.

Шу кўрсаткичлар билан биргаликда биз қўзиларни онасидан ажратилган вақтида соғлом қолган қўзиларни ҳам аниқлаб шуни таъкидлаймизки бу кўрсаткич 97,7 фоизни ташкил этган. Демак, парваришlash ва ўстириш давомида турли сабабларга биноан 2,3 фоиз вўзи нобуд бўлган.

Биз тўл олиш давридан то қўзиларни онасидан ажратгунча қўйларни сутдорлигини кузатиб бориб шуни таъкидлаймиз бу кўрсаткич қўй бошига ўрта ҳисобда 50,6 кг ташкил этган. Буни инобатга олган ҳолда қўзиларни барра терисига топширилган совлиқларни соғилиш натижасида хўжаликда сезиларли даражадасут етиштириш икмонини беради. Хўжаликни раҳбарияти бу масалани ечимига ижобий ёндошиши зарур.

5.2.5. Жўра Эргашев хусусий фермер хўжалигида қоракўл қўйларини урчитилишини иқтисодий самарадорлиги.

Барча олиб борилган ишларни якуний маҳсулот ишлаб чиқарилишига сарфланган харажат ва олинган ялпи даромадни фарқи билан белгиланади. Шу боисдан қоракўл қўйларини урчитилиши иқтисодий самарадорлигини аниқлашга ёндошдик. Бу тўғрисидаги маълумотлар 16-жадвалда келтирилган.

16-жадвал

Жўра Эргашев хусусий фермер хўжалигидаги қоракўл қўйларини урчитилишини иқтисодий самарадорлиги

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Олинган маҳсулот	
		Жун	Гўшт, тери
Хўжаликда ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот	Кг	5118,8	7552,3
1 кг маҳсулотни таннархи	сўм	51,6	1350
Ялпи маҳсулотни тпннархи	сўм	264145,6	10195605
1 кг маҳсулотни сотиш нархи	сўм	58,2	1800
Соф фойда	сўм	298156,3	135594140,0
Рентабеллик даражаси	%	12,87	25,0

Жадвалдаги маълумотлардан келиб чиқиб шуни таъкидлаймизки хўжалик жун ишлаб чиқаришдан 34010,7 сўм соф фойда олган, гўшtdан эса 3397535 сўмни ташкил этган, хўжаликни рентабеллик даражаси тегишли равишда 12,87 ва 25,0 фоизни ташкил этган. Хўжалик бўйича олинган соф фойда жами бўлиб 411625,7 сўмни ташкил этган рентабеллик даража эса 16,57 фозни ташкил этган.

Демак қоракўл қўйларини урчитилиши ва маҳсулот ишлаб чиқарилиши хўжалик учун даромадли соҳа бўлиб ҳисобланади.

VI.Хулоса

Тадқиқотлардан олинган маълумотларга кўра қуйидаги хулосаларга келдик:

1.Хўжаликдаги қоракўл қўйларини подасини таркиби қоракўлчи лик соҳасига яқин бўлсада наслдор қўчқорларни миқдори 2,8 фоиз, совлиқларни эса 57,6фоизини ташкил этиб меёрига нисбатан (70-75) бирмунча паст қолган гуруҳлар талаб даражасида бўлиб ҳисобланади.

2.Хисобот йилида хўжаликда 165 бош ахталанган қўчқорлар, конституциясига ва синфга бўлинмаган. Шундан 2040 бош қўй бўлинган, шундан 235 бош қўпол, 1497 бош, мустаҳкам, 308 бош нозик конституцияга ёки тегишли равишда 11.5 фоизи қўпол, 73,4 фоизи мустаҳкам ва 15,1 фоизи нозик типдаги қўйларни ташкил этган (жадвал-8).

3.Қўйларни синф даражаси яхши йўлга солинган ва 25,65 фоизи элита, 57,4 фоизи 1 классга, 17,0 фоизи эса 2 классга ажратилган.

4.Семизлиги ўртадан юқори, ўрта, ўртадан паст даржада бўлган ва бу кўрсаткичлар тегишли равишда 4,3; 72 ва 23,7 фоизни ташкил этган. Қўйларни тирик вазни уларни ёши ва жинси, йилнинг мавсумига боғлиқ ктга қўйларда 41,5-59 кг бу йилги қўзилари эса туғилганда 3,7-4,5, кузда 32,4-35,2 кг.

5.2019-йилда хўжаликда 266 бош қўй (қўчқорлар-20, совлиқлар-81,0 ахталанган қўчқорлар 165 бош) гўшга топширилган бўлиб 17718,3 кг гўшт ишлаб чиқарилган, шунда сўйим чиқими ўрта ҳисобда 147,9-50,8 ташкил этган.

6. Жўра Эргашев хусусий фермер хўжалигида урчитилаётган қўйлардан ўртача 2,48 кг жун олинган ва хўжалик бўйича 5118,80 кг жун етиштирилган. Толасининг тоза чиқими 71,4 фоиз бўлиб, 3561,60 – 1 классга, 1557,2 кг – 2 классга ажратилган.

8.Хўжаликда қоракўл қўйларини пуштдорлиги алоҳида эътиборга молик ва 100 бош ҳисобига 109,5 та қўзи олинган. Уларни ҳаётчанлиги эса 97,7 фоизни ташкил этган.

9.Хўжаликда қоракўл қўйлари 108713763 сўм даромад келтирган шунданхўжалик ҳисобот йилида 10573220,0 сўм, жундан эса 29811563 сўм ялпи даромад олган..

10.Гўштдан олинган фой фойда 377615,0 сўмни, жундан эса 34010,7 сўмни ташкил этган. Рентабеллик даража тегишли равишда гўштдан 25 фоиз жундан эса 1287 фоизни ташкил этган.

VII. Тавсия

Олиб борилган ишдан келиб чиқиб қуйидагиларни тавсия этамиз.

1.Хўжаликдаги қўйларни подасини таркибини қорақўлчилик мувофиқлаштириш.

2.Жун ишлаб чиқарилишни такомиллаштириб бир текис қирқишга эришиш.

VIII.Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент, “Ўзбекистон” НМИУ, 2017.
2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга кураамиз. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017.
3. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017.
4. Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтириш, ҳамда чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти 21-апрелдаги қарори Тошкент 2008.
5. Каримов И.А. Қишлоқ хўжалиги тараққиёти тўқин ҳаёт манбаи “Ўзбекистон тараққиёт йўлида” “Тошкент” 1998й.
6. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Тошкент 2009.
7. Абдуваитов Ш. Мясо-сольная продуктивности каракульских овец. Вопросы зоотехнии и каракулеводства. Самарканд 1971.
8. Аверьянов И.Я. Влияние кормления сугныхметок на качество смушка у их при плода бюллетень ВНИИК 1990 №3.
9. Амиров А.К. Некоторые данные о мясо-сольной продуктивности каракульских, курдючных и помесой курдючных с тонкорунными Тр.УзНИИЖ Вып. Тошкент 1931 с 28.
- 10.Базаров С.Р. – продуктивность и биологические особенности каракульских овец разных типов конституции. Автореферет. канд. дисс. Тошкент-(13-18).
- 11.Бойко Д.Ф., Фейгин А.М. ва бошқалар шерсть грубошерстных овец ценное сыре для ковровой промышленности Ж. «Овцеводство» №11. 1961.

- 12.Борисенко А.Н., Свистунов Н.М. По пути интенсификации.
- 13.Технология пастбищного кормления овец и производства продукции овец. Цит из обухой и Кедровой С.И. «Использование пастбищ каракульскими овцами» М. 1978.
- 14.Гигинешвили Н.С. Результаты селекционной работы по созданию новых расцветок каракуля сур. «Ж. Каракулеводство и звероводство» 1956 №2. с 24-26.
- 15.ДжасимовФ., Амиров А.К., Хамрокулов Р. (1986) повышение продуктивности овец в учхозе им кирова интенсификация с их производства. тез.докл. наанаучно-практическо конференции. Тошкент. 1986.
- 16.Джапаридзе Т.Г. Действие анаболических препаратов на 6 и 18 месячных прикос грубошерстных валухов, бюллетень ВНИИК вып. 30.1983.
- 17.Дьячков И.Н. Структура грубошерстных овец Ж. “Каракулеводство и здороводство” М.1972.
- 18.Дьячков И.Н., Мухаммедова Л.Д. К вопросу о повышении многоплодия каракульских овец путем селекции бюллетен ВНИИК №4 1969.
- 19.Жунларни сифати бўйича табақалаш ГОСТ 7939-79 давлат стандарти.
- 20.Жунларни миқдори ва техник хусусиятларини ўрганиш услублари ВИЖ Дубровица.
- 21.Закиров М.Ж., Юсупов С.Ю. “Каракулеводство” Тошкент “Меҳнат” 1991.
- 22.Казанцев Б.А. Интенсивное выращивание ягнят и их откорм основной фактор высококачественной ягнятины учёные записки. Кабардунно-Болгарского института Вып.41.1969.
- 23.Литовченко Г.Р., Есаулов П.А. Овцеводство Т.1. М.,1972.
- 24.Лушихин М.Н. Организация культурных пастбищ и их использование М.1964.

- 25.Одинцова Е.В. Происхождения и развитие пород каракульских овец р.Науч. института каракулеводства Т.6. Самарканд 1960.
- 26.Петров В.А. Молочность каракульских овец и опыт переработки молоко за реконструкцию сельского хозяйство 1930.
- 27.Ризаев Ш.М., Смушковая и шерстная продуктивность у каракульских овец в связи с их шерстно-конституциональными типами и условиями пастбишного кормления Авт.кон.дисс. М., 1964 (16-18).
- 28.Ризаев Ш.М., Некоторые биологические особенности каракульских ягнят сур и герной акраски р. ТошСХИ. 1974. Вып 38 (115-118).
- 29.Ризаев Ш.М., Ражабов О. Шерстная продуктивность каракульских овец различных смушковых типов. Пути повышения рентабельности каракулеводства. Самарканд 1973.
- 30.Ролдучиня Н.П. Особенности пигментации волосянного покрова каракульских ягнят различных акроса с. Тр. Института каракулеводства. Самарканд 1963 Т (191-197).
- 31.Рахмиов А.А. Қоракўлчилик Тошкент 1967.
- 32.Саттаров С.Б., Юсупов С.Ю., Базаров С.Р. Ҳар хил завод типдаги қоракўл қўчқорлар авлодининг жун маҳсулдорлиги “Ўзбекистон хўжалиги” журнали №6 1998.
- 33.Стойановская В.М., Разведения серых каракульских овец. Тошкент “Фан” 1966 (31-35).
- 34.Сухарков С.И. Разведения многоплодных каракульских овец по линиям и наследование плодовитости. Ж. “Животноводство” 1987. №7 (30-32).
- 35.Қўйчилик ва Эчкичилик ўқув қўлланма. Тошкент-2018. Амалий машғулотлар. Доцентлар Ф.Джасимов, Н.Т.Шоймуродов.
- 36.М.Исмаилов, Б.Джамбилов “Олмос рангли қоракўл қўчқорларини авлодларининг сифати бўйича баҳолаш”. Ж. Чорвачилик ва наслчилик иши. 2020 й. №2. (21-22 б).

37.Р.Рўзимуродов, С.Юсупов., С.Базаров. “Қоракўлчиликда урғочи тўқлилардан қўшимча қоракўл олиш”. Ж. Чорвачилик ва наслчилик иши. 2020 й. №2. (25-26 б)